



# Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 27 сентябрь,  
№81 (1048)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

### ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 4 октябрь шанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2014 йил 4 октябрь дам олиш куни деб белги-

лансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тadbирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 26 сентябрь

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

### Урф-одат ва анъаналар бири бирига уйғун

Миллий истиқлол гоёси мамлакатимизда яшаётган ҳар бир миллат ва элат вакилининг истезодини, салохиятини тўла рўёбга чиқариш, уларни юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ва Ватан тараққиётига ҳисса қўшишдек эзгу мақсад атрофида жишлаштиришга хизмат қилаётган.

#### ■ Тошўлат ҲАЙИТБОЕВ «Mahalla»

Бугунги кунда Сирдарёда яшаётган 70 дан зиёд турли миллат ва элат вакиллари ахил-иноқлигини таъминлашда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сирдарё вилояти ҳудудий Кенгаши томонидан фуқаролар йиғинларига услубий, амалий жиҳатдан кўмак берилмоқда. Айниқса, Кенгаш томонидан ташкил этилаётган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир», «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуларида дўстлик фестиваллари ўзаро ахиллик ва оқсоғишликни таъминлашда асос бўлади.

— Туманимизда ўзбеклар билан бирга, рус, татар, озарбайжон, корей ва бошқа миллат вакиллари яшайди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сирдарё тумани бўлини раиси Алим Туропов. — Маҳаллаларда ўтказилаётган маънавий-маърифий тadbир-



## «МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»



### Ҳалоллик, бағрикенглик ва мардлик баҳси

Азалдан ўзбек ўғлонининг мардлиги майдонда синалган. Мардлик синовининг тури қўп. Аммо улар орасида кураш энг оммабоп ва чиннакам паҳлавонлар баҳси, халқимизнинг орзу-мақсади, анъаналарини йодолаган қадрият сифатида эъзозланади. Шу боис мамлакатимизда кураш ва бошқа спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

#### ■ Моҳичехра ЛАТИПОВА «Mahalla»

Бундай эзгу сазй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, курашчиларимиз жаҳон ареналарида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Эътиборлиси, ўзбек кураши халқаро спорт тури даражасига кўтарилиб, унга

қизиқиш йилдан-йилга ортаётган.

Юртбошимиз 2013 йил 15 март куни Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, сўнгги ўн йилда 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўртача вазн кўрсатки-

чи 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ошган. Болаларнинг бўйи эса ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қиз болалар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсгани аниқланган. Ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келиши қувонарли.

Ёшлар ўртасида бундай кўрсаткичларга эришиш, уларнинг жисмонан бақувват, метин иродали бўлиб вояга етишида «Ма-

ҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Кураш федерацияси ҳамда қатор ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказиб келинаётган анъанавий «Маҳалла» хайрия жамоат фонди турнири муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент шаҳридаги «Жар» спорт мажмуасида ҳалоллик, бағрикенглик, инсонпарварлик фазилятларини ўзда мужассам этган ушбу мусобақанинг республика босқичи ўтказилди. > [4]

## 1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

### Мақсадимиз — юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш

Кимё — жуда қадимги ва айна пайтда тараққиёт учун тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган, қизиқарли фанлардан. Аждодларимиз — улғу алломалар бу фан ривожига беқийс ҳисса қўшганлар, илмий кашфиётлар қилиб рудалардан металлларни ажратиб олишни, қотишмалар, шийа, бўёқ тайёрлашни, олтин ва кумушдан фойдаланишни йўлга қўйишган.

#### ■ Нигора БОБОЕВА, Самарқанд вилояти Нарпай тумани 64-умумтаълим мактаби кимё фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Кимёвий элементлар ва уларнинг хоссаларини пухта ўрганиш, илмий изланишлар олиб бориш мамлакат иқтисодий ҳаётида юзлаб соҳаларнинг жадал ривожланишига асос бўлади.

Кайд этиш ўринлики, мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилган эътибор туфайли мактабларда кимё фанини ўқитиш усуллари ҳам тубдан ўзгарди. Бугуннинг ўқувчи-ёшлари энг замонавий лаборатория хоналарида бу фан сирларини ўрганаётган.

Мен Нарпай туманидаги 64-умумтаълим мактабида 22 йилдан буён кимё фанидан сабоқ бериб келаман. Утган давр мобайнида юртимизда таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш, са-



марали миллий моделни шакллантириш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ишлар, эришилган ютуқларнинг гувоҳи, таъбир жоиз бўлса, иштирокчисиман. Қадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда янги

жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тadbрижий ривожланиш таъминлиги асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг ажралмас таркибий қисми эканини ва у туҳфа этаятган ҳаётбахш натижаларни ифтихор билан эътироф этаман. > [4]

## ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

### Жўшқин ҳаёт нафасидан барча баҳраманд



Бугун республикамизнинг барча шаҳар ва туманлар марказлари қатори қадим ва ҳамшира навқирон Асака шаҳри қиёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Кенг ва равон йўллар, замонавий бинолар, хилма-хил автобуслар, энг муҳими, одамларнинг дунёқараш ва тафаккурларидаги эришилган жўшқин ҳаёт нафасидан далолат.

#### ■ А. АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»

— Биздаги бунёдкорлик ишларининг барчаси ўзаро ахил-иноқлигимиз, қўлни қўлга бериб, елкама-елка туриб муштарак мақсадларни рўёбга чиқараётганимиз ҳосиласидир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Асака тумани бўлини раиси Муқаддасхон Қурбонова.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18 июндаги «Ан-

дихон вилоятидаги тураржой массивлари учун 2011-2015 йилларда коммунал инфраструктураларини янада ривожлантириш тadbирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазибаларни амалга оширишда давлат ташкилотлари ходимлари билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари астойдил меҳнат қилмоқда. > [3]

## ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

### Масъулиятли вазифада огоҳлик ва ҳушёрлик бирдек зарур

Тинчликка, маънавий покликка интилиш, мазмунли умр кечириш ҳар бир инсонга хос истак. Юртимиздаги осудалик, маъмур ҳаёт кўпчилигининг ҳавасини келтираётгани рост. Зотан, бугунги кунда халққаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариб бораётгани, давлатлараро зиддиятлар кучайиб, кескинликнинг ортаётгани, ер юзининг турли нуқталарида янгидан-янги низо ўчоқларининг пайдо бўлаётгани жаҳон жамоатчилигини жиддий ташвишга солиб, катта ҳавотир уйғотмоқда.

#### ■ Ю. ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Ана шундай таҳликали вазиятда давлатимиз раҳбарининг ҳамшира огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз, ўз уйлумизни, муқаддас тупроғи-

ми кўз қорачигидек асрашимиз, келажақ наслларга оқиб ва оқиб Ватан қолдиришимиз тўғрисидаги кучнокчилик билан таъкидлайдиган кўрсатмаларини ҳар бир ватандошимиз жондиди билан амалга ошириш-

да «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмасининг ташкил этилгани тинчликпарвар сиёсатнинг узвий давомидир. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда аҳоли фаоллигини ва ўзаро ҳамжиҳатлигини ошириш, кишиларнинг жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги иштирокини янада такомиллаштириш мақсадларини кўзлаган мазкур тузилма ўз Низомига ҳамда аниқ фаолият йўналишига эга. > [2]

## КЎРИК-ТАНЛОВ

### Муносиблар сараланди

Наманган шаҳрида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали Яраштириш комиссияси» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди. Уда ҳудудлараро саралаш босқичларида ғолиб чиққан 8 та маҳалла фаоллари баҳс-лашди.

#### ■ Илҳом РАҲМАТОВ «Mahalla»

— Жорий йилнинг ўтган даврида комиссия-фуқаролардан 23 та мурожаат келиб тушди, — дейди Наманган шаҳридаги «Байналмилал» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, комиссия аъзоси Санобар Турдиева. — Шулардан 18 таси ижобий ечим топиб, бугунги кунда ушбу оилалар ахил-иноқ яшамоқда. 5 та мурожаат бўйича амалий ишлар олиб бориляпти.

Таъкидлаш жоизки, танловда Яраштириш комиссияси фаолиятини расмийлаштириш, зарур маълумотларни тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш, нотинч ва ноқобил оилалар билан ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов якунига кўра, «Байналмилал» маҳалла фуқаролар йиғинининг Яраштириш комиссияси 1-ўрин, «Ўзбекистон» ҳамда «Давлатобод» маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари 2- ва 3-ўринларга муносиб топилди.

Ҳолиларга Фонднинг фахрий ёрлик ва қимматбахо совғалари топширилди.

## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

### Ободлик ва кўркемлик ҳамжиҳатликдан

Инсон умри унинг неча йил яшагани билан эмас, балки қандай яшагани билан қадрли. Гап шундаки, ким умри давомида эзгу ишларга кўпроқ қўл урган бўлса, унинг номи ҳам фақат яхшилик билан эсланadi. Бу — кўп йиллик тажрибам, ҳаётда кўрган-қузатганларимдан чиқарган ҳулосам.

#### ■ Исматилло РАИМОВ, Шўрчи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби.

Узоқ йиллардан бери Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги Шўрчи қишлоқ фуқаролар йиғинида фаолият юритиб келаман. Йиғинимиз таркибиде олти та маҳалла бор, уларда 21 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Утган йиллар мобайнида йиғинимизнинг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий ва барча шaroитларга эга бинода ишлаб, аҳолининг мурожаатларини ўз вақтида қаноатлантиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Йиғинимиз фаоллари хусусий тadbиркорлик ва оилавий бизнесни йўлга қўйиш ниятида бўлган ёш оилаларга банклардан кредитлар олишда кўмаклашиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантиришни ўзларининг бурчи, деб билади. > [3]



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Урф-одат ва анъаналар бири бирига уйғун



Корея миллияти мансуб Римма Нам ҳақида ҳам илик фикрлар билдириш мумкин. У раҳбарлик қилаётган «Flamingo» корхонасида 25 нафардан зиёд турли миллат вакиллари фойдали меҳнат билан банд. Шунингдек, Ховос туманидаги «Надежда» фермер хўжалиги раиси Надежда Дурдина ўз хўжалигида биогаз ускунасини ишга туширди. Бу ускуна ерларни емирлишдан сақлаш билан бирга, иссиқлик ҳамда электр манбаи ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Маҳаллалардаги турли миллат вакилларининг миллий удулари, анъана ва урф-одатлари бири-бири билан уйғунлашиб кетган. Биргина Гулистон шаҳридаги «Дустлик», «Улғ-

обод» маҳаллаларида ўнлаб миллат вакиллари бир оила фарзандларидек ахил-иноқ яшамоқда. «Янги ҳаёт» маҳалласида истиқомат қилаётган кўп миллатли оилаларга ҳамма-нинг ҳаваси келади. Уларни ҳатто маҳаллада «Олтин саккизлик» дейишади. Ўзбек, тожик, татар, қозок, рус ва бошқа миллат хонадонларининг тўй-маъракалари доимо бирга ўтади, қувончи ва қайғуи кунларида бир-бирига елкадошлик уларда азалий одатга айланган.

Хуллас, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгаш маҳалла тизимининг янада раванқ топиши, йигини фаолларнинг самарали меҳнат қилишлари учун катта имкониятлар яратмоқда.

ҚУЛАЙЛИК

Боғларда гуллар чаман

Юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари туфайли янги қиёфа касб этаятган иншоотларни кўриб кўз қувнайди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилаётган истироҳат боғлари сонни кун сайин орттириб бормоқда.

Н. ЮНУСОВА «Mahalla»

Яқинда Ургут туманида янги истироҳат боғининг фойдаланишга топширилгани ургутликлар учун муносиб тўхфа бўлди.

Бундан икки йил олдин эски буюм бозори ўрнида бунёд этилган боғ ҳудудиде улкан ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Боғда замонавий лойиҳа асосида миллий услубда аржа шаклидаги икки асосий дарвоза, 2300 ўринли амфи-театр, битта улкан мусикали ва иккита ярим ой шаклидаги фаввора қад ростлади.

Туман аҳлининг ҳамжиҳатлиги ва боғ қурилишига қўйилган ҳисса кўйиши туфайли сўлим, киши баҳридлини очадиган маскан ташкил этилди, — дейди «Гулистон»

маҳалла фуқаролар йигини фаоли Фаҳрод Курбонов. — Бу ерда аҳолининг дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган. Истироҳат боғининг очилиши муносибати билан «Сўфий», «Бешкапа», «Ангор» ва «Гулистон» маҳаллалари вакиллари ўзларининг миллий хўнарамандчилик кўргазмаларини ташкил этишди.

Шунингдек, боғ ҳудудиде миллий хўнарамандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш устаноналари ва кўргазмалар зали, савдо ва маиший хизмат қўрсатиш шохобчалари бунёд этилди, замонавий аттракцион ўрнатилди. Боғнинг тўрт гектардан зиёд ҳудуди кўчалар-зорлаштирилиб, икки минг тулпан ортқ манзарали дарахтлар, бутасимон ўсимликлар экилди.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Масъулиятли вазифада огоҳлик ва ҳушёрлик бирдек зарур

Жамоатчилик тузилмаси фаолияти ихтиёрийлик, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, қонунийлик, жамоатчилик йўли билан ўзаро ёрдам тамойиллари асосида ташкил этилади. Унга аъзоликка қабул қилишнинг ҳам муайян талаблари, қоидалари мавжуд. Яъни ҳар бир маҳаллада, қишлоқ ва овуллардаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда аҳоли орасида осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам бериш истагини билдирган, маънавий пок, соғлом фикрли кўнгиллилар аниқланиб, улар жамоатчилик асосида фаолият юритадиган тузилмага бири-лаштирилади.

Маҳалла — катта куч. Ушбу тузилманинг айнан маҳалла негизини ташкиллаштириши ҳам бежиз эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги «Фуқаролар йигинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, ушбу тузилмага катта ишонч билдирилди. Мазкур тузилма аъзолари сонини ҳар бир ҳудуднинг табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий, демографик, кримноген хусусиятларидан келиб чиқиб (6-16 нафар бўлиши лозим) белгиланади.

Айни пайтда мамлакатимизда ҳар бир маҳалла, қишлоқ, шаҳарча, овуллар қошида 8 мингдан зиёд ана шундай жамоатчилик тузилмалари ташкил этилган. Тузилма аъзолари сонини 50 минг 900 нафардан зиёд. Бу рақамларни бежиз келтирмадик. Демак, ҳар бир ҳудудда юз бериши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини олишга, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, вояга етмаганларнинг тарбиясини билан муносиб тарзда шуғулланишга имконият ҳам, шароит ҳам етарли. «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбари ва аъзоларнинг ҳар бири ўз зиммасидаги масъулиятини ҳис қилган ҳолда иш юритса, пок виждон, уйғоқ қалб билан доимо огоҳ ва ҳушёр турсалар жамятимизда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар барҳам топиши аниқ.

Аммо юқорида таъкидланган ҳолатлар айрим жойларда кўндалмайдек эмаслиги бироз муноҳадага чорлайди. Баъзи фуқаро-ларнинг ишларида ушбу лавозим билан бир неча йиллардан буюн бундай қолаётгани ёхуд ҳар 2 ёки 3 ойда кадр алмашайётгани тавбиҳла-нарли. Айрим сардорларнинг маъжлумот даражаси, ҳаётий таъриба-сини ушбу масъулиятли лавозимга тўла мос келмаслиги туфайли тузилма фаолиятини тўғри ташкил

«ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ»

Фуқаролар ҳуқуқ ва манфаати ҳимояланган

Кучли фуқаролик жамятининг муҳим мезони инсон манфаатларини таъминлашдир. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларига жамият аҳамиятига молик масала сифатида ёндашилган ҳудудда, албатта, барқарорлик, осойишталик ҳукм суриб, тараққиёт бўлади.

Мавлуда МЕЛИҚУЛОВА «Mahalla»

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳоли манфаатларини ҳимояловчи муносабатлар мувозанатини таъминловчи ва ўзаро меҳр-оқибат тўғрисидаги ҳар бир масъулиятли вазифани ишончли, таъсирчан ва самарали бажариш ҳамда «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонун ижросини изчил таъминлаш мақсадида маҳаллаларда «Жамоатчилик қабулхоналари» ташкил этилмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йигини қошида фаолият бошлаган «Жамоатчилик қабулхонаси» замонавий ва барча қўлайликларга эга, компьютер жамланмиси, мебель жиҳозлари, алоқа воситалари билан таъминланган.

Маҳалламизда «Жамоатчилик қабулхонаси» ташкил этилгани айни муддао бўлди, — дейди «Гулистон» маҳалла фуқаролар йигини раиси Эргаш Юсупов. — Эндиликда бу ерга



ёндоз «Катта Олтинтепа», «Авайхон», «Олтинтепа — 10», «Янги Авайхон», «Наврў» ва «Салар» маҳаллалари аҳли ҳар ойнинг учинчи пайшанба кунини тумандаги мансабдор шахслар билан мулоқотга киришиб, уларга ўзларини уйлантираётган масалалар бўйича муножаат қилишлари мумкин. Маҳалла қошидаги «Жамоатчилик қабулхонаси» фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, тури мазмундаги 50 га яқин аризага кўзимиз тушди. Маҳалла фаоллари ва тегишли ташкилот вакиллари уларни ўрганиб чиқиб, йигининг Жамоатчилик

назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия тўғрисидаги Намунавий Низомда қайд этилган мақсад ва вазифалар асосида муаммоларни бартараф этишаётди. Асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилмоқда.

Ҳа, бугун маҳаллалар қошида фаолият юритаётган «Жамоатчилик қабулхонаси» аҳолининг ариза ва шикоятларига ўз вақтида ечим топишга хизмат қилмоқда. Зотан, ҳар бир хат ва ариза ортида инсон тақдирини, унинг орзу-умидлари муҳассабам.

ФОНД КЎМАГИДА

Қўлланмалар билим ва кўникмани оширади

Маҳалла мутасаддиси ҳудуднинг энг жонқуяр, фидойи инсонлари саналади. Унинг саъй-ҳаракати самараси нафақат бой ҳаётий таъриба-сини, балки чуқур билим, назарий тушуновчанга ҳам боғлиқ. Бу борада фаолларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази кўмагида чоп этилаётган қўлланмалар асқотаётди.



И. РАҲМАТОВ «Mahalla»

— Кўп йилдан бери маҳалла ишига аралашиб юрган бўлсам-да, тизимдаги янгилик ва ўзгаришлардан тўла хабардор эмасдим, — дейди Мингбулоқ туманидаги «Қўғалиқул» маҳалла фуқаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мухаббат Дехқоновна. — Қолаверса, маслаҳатчининг вазифалари, ҳуқуқ ва маж-

буилмалари томонидан тизимли ишлар амалга ошириляётди. Айниқса, фуқаролар йигинлари фаоллари учун мўлжалланган қисқа муддатли ўқув курслари, китобча ҳолида чоп этилаётган услубий қўлланма ва йўриқ-номалар фаолият такомиллиги хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган вақти мобайнида Фонднинг республика бошқарувида жами олти миллион сўмлик турли мазмундаги рисола ва қўлланмалар олдиқ, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими мутахассиси Ойбек Отамирзаев. — Уларни шахар ва туман бўлимларига етказиб бердик. Вилоятдаги фуқаролар йигинлари Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида тасдиқланган Намунавий Низомлар билан тўлиқ таъминланди.

Фонд ташаббуси билан чоп этилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами» ҳам йигинлар томонидан катта қизиқиш билан кўтиб олинди. Тизимга тааллуқли қонун ҳамда қонуности ҳужжатлар жамланмасидан иборат бу қабил рисолалар ихчам ва сифатли тайёрланаётгани, маҳалла фаоллари учун қўлайлик туғдираётгани билан эътиборлидир.

Фонд ташаббуси билан чоп этилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами» ҳам йигинлар томонидан катта қизиқиш билан кўтиб олинди. Тизимга тааллуқли қонун ҳамда қонуности ҳужжатлар жамланмасидан иборат бу қабил рисолалар ихчам ва сифатли тайёрланаётгани, маҳалла фаоллари учун қўлайлик туғдираётгани билан эътиборлидир.

Фонд ташаббуси билан чоп этилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами» ҳам йигинлар томонидан катта қизиқиш билан кўтиб олинди. Тизимга тааллуқли қонун ҳамда қонуности ҳужжатлар жамланмасидан иборат бу қабил рисолалар ихчам ва сифатли тайёрланаётгани, маҳалла фаоллари учун қўлайлик туғдираётгани билан эътиборлидир.

Фонд ташаббуси билан чоп этилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари тўплами» ҳам йигинлар томонидан катта қизиқиш билан кўтиб олинди. Тизимга тааллуқли қонун ҳамда қонуности ҳужжатлар жамланмасидан иборат бу қабил рисолалар ихчам ва сифатли тайёрланаётгани, маҳалла фаоллари учун қўлайлик туғдираётгани билан эътиборлидир.

МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ

Муаммолар бартараф этилмоқда

Фарғона вилояти Бувайда туманидаги Бекобод қишлоқ фуқаролар йигинида ҳисобот берган туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Шухрат Эргашев 2-сонли вилоят ихтисослаштирилган лицей-интернатининг 7-синф ўқувчиси Жасурбек Имомовнинг жорий йилда Корея Республикасида ўтказилган математика фани бўйича халқоракан олимпиадасида муваффақиятини фахр билан тилга олди. Ж.Имомов бошчилигидаги юртимиз терма жамоаси мусобақада умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.

Расул КАМОЛ «Mahalla»

Бу, албатта, юртимизда ёшларнинг билим олишлари учун яратиб берилган имкониятлар, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишларнинг ёрқин натижасидир.

Янги ўқув йили арафасида тумандаги 17-сонли мусика ва санъат мактабининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Файзиобод қишлоғидаги 32-умумтаълим мактаби «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида таъмирланди. Энг муҳими, бу каби хайрли ишлар ҳар бир маҳалла ҳудудидеги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилгани ютуқларнинг асосий омил бўлмоқда.

Йиғилишда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги бўйича амалга ошириляётган ишлар, ўқувчиларнинг ҳуқуқи ва фанларни ўзлаштириши бўйича уч томонлама ҳамкорлик натижалари ҳамда бажарилиши зарур бўлган ишлар муҳокама қилинди.

«Бачқир», «Бувайда», «Янги-қўрғон» ва «Оймиқшилоқ» маҳалла фуқаролар йигинларида ўтказилган учрашувда аҳоли томонидан ўқувчиларга қўлайлик яратиш мақсадида автобус қатновини йўлга қўйиш таклифи ўртага ташланган. Қисқа фурсатда ушбу масала ижобий ҳал этилди. Қувонарлиси, ҳозир бошланғич синф ўқувчилари мактабга автобусларда бепул қатнамоқда.

Янги ўқув йилида 4112 нафар 1-синф ўқувчисига 13 турдаги дарсликлар жамланмасидан иборат Президент совғаси топширилди. 4012 нафар боқувчисини йўқотган оила фарзанди бепул дарслик, 3500

нафари эса қишки кийим-бош билан таъминланди. Шунингдек, жисмоний имконияти чекланган 24 нафар болага 643 минг сўмлик ўқув қуроллари ҳада қилинди.

Ҳисоботда Ш.Эргашев томонидан маҳалла фаолларига 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Ҳақимтўра номидаги маҳалла фуқаролар йигинида ўтган учрашувда маҳалла фаоли Қодиржон Азимов 46-умумтаълим мактабиде ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича таклиф киритди. «Бештерак» маҳалла фуқаролар йигини раиси Одиложон Маматов Қўқон — Наманган автомобиль йўли бўйида жойлашган 26-умумтаълим мактабни ҳудудига ҳаракат тезлигини чекловчи белги йўқлигини билдирди. Ҳисобот учрашувларда билдирилган таклифлар мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳал этиляпти.

Мансабдор шахсларнинг маҳаллалардаги ҳисоботлари мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишда яхши самара бермоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Бувайда тумани бўлими раиси Мухторжон Жумаев. — Авваллари маҳалла аҳли бундус қатновини йўлга қўйиш таклифи ўртага ташланган. Қисқа фурсатда ушбу масала ижобий ҳал этилди. Қувонарлиси, ҳозир бошланғич синф ўқувчилари мактабга автобусларда бепул қатнамоқда.

Янги ўқув йилида 4112 нафар 1-синф ўқувчисига 13 турдаги дарсликлар жамланмасидан иборат Президент совғаси топширилди. 4012 нафар боқувчисини йўқотган оила фарзанди бепул дарслик, 3500 нафари эса қишки кийим-бош билан таъминланди. Шунингдек, жисмоний имконияти чекланган 24 нафар болага 643 минг сўмлик ўқув қуроллари ҳада қилинди.



Мухтасар айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини кучайтирилгани, ўз навбатида, қонун устуворлигини таъминлаш билан бирга, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маҳалла фаолияти қонирарсиз эканлигини тушуниш қийин. «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси Низомиде жамоатчилик тузилмаси аъзолари тегишли ҳудудда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда қўллана долзарб вазифаларини ҳал этиш, жумладан, фуқароларнинг, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тегишли ҳудудда қонун устуворлиги ва осойишталикни таъминлаш, жамиятда юриш-туриш қоидаларига ва ахлоқ-одоб мезонларига риоя қилинишида фаол иштирок этиши қатъий белгиланган.

Ёшлар — бамисоли қудратли тўлқин. Уларнинг ғайрат-шижоятини тўғри йўналтирмаслик, Ватан туйғуси, юрт қадрини ҳис этиш, халқимизга муносиб фарзанд бўлишдек фазилатларини юксалтирмаслик ёки таълим-тарбияда сусткашликка йўл қўйиш оқибатларини тасаввур этиш гоят даҳшатли. Шу боис уларнинг қизиқишлари билан ўртоқлашиш, муаммоларига одилона ечим топиш, дўстона муносабат ўрнатиш зарур. Бу масала ҳар бир замон, ҳар бир макон учун ўз аҳамиятини йўқотмаган, йўқотмайди ҳам.

Келажагимиз эгаларини хавфхатарлардан асраб-авайлаш, турли ёт гоа ва ахборот хурружлари, «оммавий маданият» таъсиридан ҳимоялаш ҳар бир маҳалла фаолининг, шу жумладан посбонларнинг асосий вазифаларидан бири, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасидаги фаолият йўналишининг негизидир. Бунда профилактик назоратда турувчи ўқувчиларни тарбиялашда ота-оналар, маҳалла, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш, ички ишлар профилактик назоратига ва таълим муассасаларининг ички назоратига олинган ўқувчи-ёшлар билан яқна ёки оммавий тарзда мақсадли ишларни олиб бориш, ечим топиш, дўстона муносабат ўрнатиш зарур. Бу масала ҳар бир замон, ҳар бир макон учун ўз аҳамиятини йўқотмаган, йўқотмайди ҳам.

Узбек тилининг изохли лўғатида «посбон» сўзига шундай таъриф берилган: бирор кимса ёки нарсага ҳавфсизлигини, дахлсизлигини таъминлаб турувчи, муҳофаза, ҳимоя қилувчи. Дарҳақиқат, халқимиз посбонликка муносиб сардорларни танлайдики, шундан элимиз тинч, хотиржам яшайди, сокин ором олади, фарзандларини уйдан беҳавотир кузатади. Шундай экан, ҳар бир маҳалла посбонининг ўз фаолиятига танқидий ёндашиши, иш таърибасини такомиллаштириши — бугунги куннинг талаби.

РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Ободлик ва кўркамлик  
хамжиҳатликдан



< [1]

Айни пайтда фаоллар кўмагида худуддаги фермер хўжаликлари раҳбарлари ва деҳқонлар кам таъминланган оилаларга ёрдам бериб, уларни қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, фермер Тўхта Эшимов 10 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйини ўтказиб берди. Яқинда «Ойнакўл» маҳалла фуқаролар йиғинидаги «Ривож-Р» хусусий корхонаси раҳбари Хуррам Омонов гишт ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Натижада маҳаллалардаги 45 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Уларнинг 20 нафар коллеж битирувчиси.

Ишбилармон фермерлардан яна бири Алишер Шерматов тез орада тўқимачилик корхонасини ишга тушириш арафасида. Мазкур корхона иш бошласа, 150 нафар фуқаро фойдали меҳнатга жалб этилади.

Шунингдек, маҳалла аҳли орасида ўз томоқларидан иссиқхона барпо этиб, лимон етиштиришнинг ҳадисини ол-



МАҲАЛЛАДА САНОАТ

Ташаббус — муваффақиятлар омили

Нукус шаҳри Аллания Қахрамон номидаги маҳаллада ишлаб чиқаришнинг турли йўналишларида фаолият юритиб, оиласи фаровонлигини ошириш баробарида худуд иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган тadbиркорлар талайгина.

О. ЕСБЕРГЕНОВ  
«Mahalla»

Фарзандларининг меҳрибон онаси, тadbиркорликда ташаббускор аёл, маҳаллада эса жонкуяр йигин фаоли сифатида барчага ибрат бўлаётган Паруаз Ережепова улардан бири.

Мамлакатимизда қарор топган ишбилармонлик муҳити ва бу соҳада яратилган қўлай шарт-шароитлардан фойдаланган Паруаз 2011 йилда йигин фаоллари кўмагида «Зар Дил Дилбар» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилиб, 2 нафар ёш меҳнатга жалб этди. Худуддаги ишлаб чиқариш корхоналарига буюртма асосида иш кийимлар тайёрлаб бериш йўлга қўйилди.

2012 йилда тadbиркор корхона фаолиятини кенгайтириш мақсадида банкнинг 15 млн. сўмлик кредити ҳисобига 6 та замонавий тикув машинаси

ганлар талайгина. Гулчеҳра Ҳамзаева бўш ётган 8 сотих ерда помидор ва бодринг етиштираётди.

Фуқаролар йиғини ободлигига алоҳида эътибор қаратамиз. Шу боис фаоллар ва ҳомийлар билан келишган ҳолда худудимиздаги «Ойнакўл» маҳалла фуқаролар йиғинининг 4 километр йўлини таъмирлади. Сауртепадаги 1 километр, Зармакўрғон шаҳарча фуқаролар йиғинидаги 1,5 километр ички кўчаларга асфальт ётқиздик.

«Қорарик» маҳалласидаги фаоллар ва тadbиркорлар ёрдамида 10 километр ички кўчаларга тош тўкиб, аҳоли учун қўлай шарт-шароит яратдик. Бундан ташқари, худуддаги 6 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 100 та хонадонга суюлтирилган газ баллонларини етказиб бердик. Бу каби қўлайликлардан аҳоли мамнун.

Маҳаллаимиз аҳли очикўнгил, содда, аммо гурури, ориятли баланд эл. Ҳар бир ишни ҳамжиҳатликда бажариш кундалик юмушимизга айланган. Шу боис бугун йиғинимиз обод, аҳолимиз турмуши фаровон.

Камтарона хизматларим давлатимиз томонидан юксак қадрланди. Муस्ताқиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида Президентимизнинг фармонига биноан «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирландим. Бу эътибор худудимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатадиган иллатларнинг олдини олиш борасидаги хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшимда қанот бағишлайди.



МАҲАЛЛАДА САНОАТ

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Жўшқин ҳаёт нафасидан барча баҳраманд

< [1]

Асака туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тadbирлари дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар марказидаги Умид кўчаси реконструкция қилинди. Йўл кенгайтирилиб, четларида тунги ёриткичлар ўрнатилди. «Кирвош» маҳалласи ҳамда Умид кўчалари асфальтлашиб, оқова сув тизими марказий тармоққа уланди.

Муқимий номидаги маҳалла идорасида хатто фуқароларни қабул қилиш учун етарли шароит йўқ эди. Соғлом бола йилида «Ягона Асака қурилиш хизмати» корхонаси томонидан қад ростлаётган маҳалла идораси қурилишига 15 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ҳомийлар ижтимоий шериклик асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари идораларидаги шарт-шароитни яхшилаш бўйича ўзаро ҳамкорлик тadbирларини имзолади. Тadbиркор Ҳабибулло Мамазулов Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла биносини таъмирлаш учун 5,5 миллион сўм маблағ ажратди. «Маҳалла» хайрия жамоати фонди вилоят бўлими ташаббусини қўллаб-қувватлаб, 10 миллион сўм, шунингдек, ижтимоий шериклар «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини биносини қайта қуриш мақсадида 13 миллион сўм ҳомийлик ёрдамларини йўналтирди.

Тadbиркорлар ва нодавлат ташкилотлар кўмагида «Ўзбекистон», «Озод», «Қашкар», «Деватаги» маҳаллалари бинолари қайта чиroy очди. Эътиборга молик томони, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси туман

бўлими, «Камолот» ЁИҲ ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоати фонди туман бўлимида ижобий ҳал этиляпти. Умид кўчасидаги 2 та кўп қаватли уйнинг томига металл черепица қопланди. Амир Темир номидаги ҳамда «Қадрият» маҳаллаларидаги кўп қаватли уйлarning томи таъмирланяпти. Йўлақларга темир эшиклар ўрнатилляпти. Иситиш тизимини тубдан яхшилаш мақсадида янги қозонхона олиб келинди.

Туманда «Камолот» ёшлар уйини барпо этиш ишлари «And kontrukcion» масъулияти чекланган жамияти томо-



нидан бажарилаётган бўлса-да, уларга жамоат ташкилотлари яқиндан ёрдам берапти. Айниқса, банклар томонидан кредит маблағларини расмийлаштириш, уларни ўз вақтида ташкилот ҳисобига ўтказишда ижтимоий шериклик механизми асқотяпти. Шу боис ҳозирга қадар бу объектда салкам бир миллиард сўм сармоя ўзлаштирилди.

Яқинда туман марказидаги қаровсиз боғ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Боғга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тadbиркорлар кўмагида 26 та аттракцион олиб келинди. Дам олиш масканидаги 2 та футбол майдончаси, амфитеатр, ўндан зиёб тамадхона, ямғирил хибонлар бугунги кунда асакаликлар ва меҳмонларнинг сеvimли гўшасига айланди.

Олимжон ва Шухратбек бу ишда менга елкадош. Устахонада ҳар кимнинг ўз юмуши бор. Чунки сандиқ ясаш, унга тунука қошлаш ва нақш солиб безаш ишлари аниқликни, нозик дидни талаб қилади. Битта миҳ нотўғри қоқилса, иш сифатига салбий таъсир қилади.

Устанинг айтишича, сандиқнинг олд, орқа ва остки тахталари бир-бирига қўшиб михланган, сўнг юзаси пардозланиб, бурчаклари жил-

вир билан силликланади. Олд томонига гул чизилган, унинг устига тунука қошлади, ҳошияларга нақш туширилади. Ушбу нақшларнинг кўчқорак, шаш, найзали, бодомча сингари турлари устала ясаган сандиқларнинг асосий безаги саналади.

Дарҳақиқат, диққат ва сабр билан қўлда яратилган пишк, бежирим сандиқлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Устанинг шогирдлари кўп. Айни кунда қишлоқнинг ўнга яқин ёши устахонада «Устоз — шогирд» йўналишида хунар ўрганаётди.

Яқинда Ортикўй Сотиболдиев тadbиркор сифатида сандиқдан ташқари, ёғочдан сўри ва дарвозалар тайёрлай бошлади. У ясаган маҳсулотлар нафақат туман, балки шаҳар бозорларида ҳам харидордир.

ХУНАРДАН УНАР

Бобомерос касбга садоқат

Халқимиз қадимдан рўзгор буюми сифатида уй анжонлари, кийим-кечак, зеб-зийнатларни сақлашда сандиқдан фойдаланиб келади. Айниқса, сандиқ келинлар сепининг кўрки саналган.

Ашурали БОЙМУРОД  
«Mahalla»

Шу йўзбек хонадонидан қиз фарзанд дунёга келган, момолар яхши ният, орзу-хавас билан кизалоққа сандиқ атаб, унга сарпо йиғишади.

Сандиқозлик — миллий хунармандчиликнинг бир тури. Бошқа йўналишлар каби сандиқозликнинг ҳам ўзига хос тарихи, ясалши усуллари бор. Бугун уста-хунармандлар мазкур амалий санъат анъаналарини замонавийлаштириб, уни ёш авлодга ўргатиб келаётди.

Тошкент вилояти Бекобод туманидаги Жумабозор қиш-

лоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Ортикўй Сотиболдиев ана шундай усталар сирасида.

— Сандиқозлик бизга бобомерос касб, — дейди уста. — Болалигимдан шу хунарга меҳр қўйдим, сирларини кунт билан ўргандим. Айни пайтда фарзандларим



ЛОЙИХА

Корхона фаолиятини кенгайтирди

Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги «Саксончел» маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган «Қўшработ қурилиш таъмир» масъулияти чекланган жамиятида пишк ғишт ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш мақсадида 400 миллион сўмлик лойиҳа амалга оширилди.



Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ.

22 камерали замонавий хумдон тез орада самара бера бошлади. Жумладан, аввал 30 минг дона ғишт тайёрлаш учун 10 тонна кўмир сарфланган бўлса, энди 3,5 тонна кўмир kiffoя.

Ғишт ишлаб чиқаришга сарфланганидан вақт эса беш бараварга қисқарди. Шунингдек, қорхонада ғиштни олиш жараёни ҳам осонлашди. Натижада аввал бир ойда 300 минг дона ғишт ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич бир миллион 200 минг донага етди. Муқими, яратилган йигирмата янги иш ўрнида маҳалла ёшлари меҳнат билан банд.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Яхши ишнинг салмоғи  
яхши билан ортади

Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги «Ғазира» маҳалла фуқаролар йиғининдан Инобат Йўлдошева фарзанд тарбияси, рўзгор юмушларидан ажралмаган ҳолда она-сига қўшимча даромад топиш мақсадида иш сўраб йиғинга мурожаат қилди.

Зебинисо ХАЙИТОВА  
«Mahalla»

Фаоллар кўмагида у касаначи тadbиркор сифатида тикувчилик тармоғини йўлга қўйган Марзия Сатторовани шогирд тушди. Бир ой мобайнида хунар ўрганиб, касаначилар қаторида иш бошлади. Дарҳақиқат, худуд иқтисодиётини ривожлантириш, фуқароларни тadbиркорликка кенг жалб этиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган мазкур йиғинда бундай хайрли ишларнинг салмоғи кун сайин ортиб бораётди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва оилавий тadbиркорлик, касаначиликни қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган, — дейди йиғин раиси Баҳодир Узақов. — Бугун худудимизда ишлаб чиқаришнинг турли йўналишларида фаолият бошлаган 15 нафардан зиёд фуқаро оиласи бюджетига қўшимча даромад олиб кириши билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу борадаги ишларда йиғиннинг

Тadbиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси ҳамда «Маслаҳат маркази» аъзоларининг йўл-йўриқлари кўп келаётди.

Шокир Раҳмонов яқинда фаоллар кўмаги ва банкнинг имтиёзли кредити эвазига сўни қайта ишлаш ҳисобига ишга тушириб, 5 нафар маҳалладошнинг меҳнатга жалб қилди. Тadbиркорлик субъектининг очилиши қишлоқ аҳли учун қувончли воқеа бўлди. Эндилик-

да маҳалла фуқаролар йиғининдан Инобат Йўлдошева фарзанд тарбияси, рўзгор юмушларидан ажралмаган ҳолда она-сига қўшимча даромад топиш мақсадида иш сўраб йиғинга мурожаат қилди.

Тамара Сатторова ҳамда Лола Рўзиева маҳалла худудидан савдо дўкони очиб, аҳолига сифатли ва арзон нархларда маҳсулот етказиб бермоқда. Чеварликда ном қозongan Сурайё Ҳақбердиева эса яқка тартибдаги тadbиркор сифатида фаолият бошлаб, айни пайтда ўн нафардан зиёд қизга чеварликдан сабоқ бериб келаётди.

Кувонгарлиси, тadbиркорларнинг фаоллар билан бамаслаҳат, ҳамжиҳатликдаги ҳамкорлиги бандлик масаласини ҳал қилишда муҳим омили бўлмоқда. Бундан ташқари, аҳолини, айниқса, ёшларни қизиқиши ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш мақсадида фаоллар томонидан маҳалладаги вақтинча ишсизлар аниқла-ниб, уларга бўш иш ўринлари рўйхати тақдим этиляпти. Қолаверса, фуқароларнинг янги иш ўринларидан хабардорлигини ошириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоати фонди туман бўлимига, туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида «Ғазира» маҳалласида бўш иш ўринлари ямарқалари, очик эшиклар куни тadbирлари ташкиллаштирилмоқда.

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

Ноқонуний қурилма ноқулайлик туғдиради

Эътиборсизлик ва лоқайдлик оқибатида содир бўладиган ёнғинлар одамлар саломатлиги ва ҳаётига таҳдид со-лиш баробарида моддий зарар ҳам етказиши мумкин. Алангага қарши химоя чораларини кўришда, айниқса, қуз-қиз мавсуми долзарб аҳамият касб этади. Чунки айни шу мавсумда иситиш ускуналарида нотўғри фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик туфайли кўнгилсиз ҳолатлар учрайди.

Анвар МУРОДБАКИЕВ,  
Сергели тумани ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, кичик сержант.

Соҳага доир ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида Сергели тумани ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлими томонидан аҳолининг огоҳлиги ва ҳушёрлигини ошириш, турар-жойлар, халқ хўжалиги иншоотларида ёнғин қиличининг олдини олиш мақсадида амалга оширилаётган сўй-ҳаракатлар ўз самарасини берапти. Чунки, аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, носоз газ ва электр иситиш воситаларидан фойдаланмаслик ҳамда болаларни қаровсиз қолдирмаслик тўғрисида тушуنча берилади.

Мазкур тadbирларни ушқоқлик билан ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмаги кўп келаётди. «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуннинг 2-боб, 9-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмаги билан қўйилган қўйиш қоидаларига риоя қилиш, носоз газ ва электр иситиш воситаларидан фойдаланмаслик ҳамда болаларни қаровсиз қолдирмаслик тўғрисида тушунча берилади.

Кўп ҳолларда ёнғинни ўчириш ва одамларни қутқариш жараёнида хонадонлардаги, айниқса, кўп қаватли уйлар де-разалари ва эшикларига ўрна-тилган темир панжаралар хал-лал беради. Уларни олиб таш-лаш учун сарфланадиган ҳар-дақиқа инсон ҳаётини қутқариб қолиши кечиктиради. Аҳолига бундай химоя воситаларини фавқулодда вазиятларни ино-батга олиб ўрнатилган лозимли-ги тушутирилмоқда. Зеро, ён-ғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзал.

«МАҲАЛЛАМИЗ ПАҲЛАВОНЛАРИ»

Халоллик, бағрикенглик ва мардлик баҳси

< [1]

2000-2001 йилларда туғилган 84 нафар ўғил-қиз уч вазн тоифасида ўзаро беллашди.

Ўтган йили мусобақаларнинг маҳаллалараро bosқичида 8299 та маҳалладан 145861 нафар ёш полвон иштирок этган бўлса, бу йилги беллашуларда 8472 та фуқаролар йигинидан 151571 нафар ўғил, қиз қатнашди.



либ, тўгараклар фаолиятининг изчиллиги таъминланмоқда, — дейди Бухоро вилояти терма жамоаси бош мураббийи Охунжон Самандаров. — Сазъ-ҳаракатлар самарасида ўтган уч йилда худудимиздан 15 нафардан зиёд мамлакат чемпиони етишиб чиқ-

Ўрмоналиев, 50 кг. вазн тоифасида Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси аъзоси Айдас Адирбеков, 55 кг. вазнда Бухоро вилояти жамоаси аъзоси Муҳиддин Ҳикматов голибликни қўлга киритди. Шунингдек, қиз болалар ўртасида 44 кг. вазн бўйича Жиззах вилояти жамоаси аъзоси Фарангиз Муротова, 48 кг. вазн тоифасида Самарқанд вилояти жамоаси аъзоси Гулнисахон Келдиёрова, 52 кг. вазн бўйича Наманган вилояти жамоаси аъзоси Нафиса Воҳидова биринчи ўринни забт этди.

Умумжамоа ҳисобида Бухоро вилояти жамоаси биринчи, Жиззах вилояти курашчилари иккинчи ҳамда Фарғона вилояти вакиллари учинчи ўринни қўлга киритди.

Турнир иштирокчилари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом, медаль, кубок ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Мусобақа доирасида ёшлар «Ўзбекинаво» эстрада биллашмаси томонидан уюштирилган маданий дастурлардан баҳраманд бўлиб, пойтахтимиздаги янги спорт мажмуалари, диққатга сазовор масканлар билан яқиндан танишишди.

1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Мақсадимиз — юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш

< [1]

«Устоз — отандек улуғ», деган ҳикматга мост тарзда бизда ўқитувчи-мураббийларга алоҳида ҳурмат кўрсатилади. Президентимизнинг ёш авлодни муносиб тарбиялашда малакали педагогларнинг хизмати беқиёс эканини таъкидлаб, «Агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир», деган эътирофлари ҳар бир педагогнинг қалбини миннатдорлик туйғусига тўлдирди.

Ёш авлодга ғамхўрлик — давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ишлар тўғрисида қарийб 9,5 минг ёки мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган мактабларнинг деярли барчаси янгидан қурилди, капитал реконструкция қилинди, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди.

Бундай шарт-шароитлар тўғрисида таълим сифати ва самардорлиги, табиийки, йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айни пайтда бирор халқро танлов ёки фан олимпиадаси, спорт мусобақаси йўқки, унда ўзбек фарзанди қатнашмаса, олтин, кумуш ёхуд бронза медаллар билан юртига қайтмаса. Мақтабимиз ўқувчилари ҳам кимё фанидан бир неча бор республика фан олимпиадаларида совриндор бўлди. Уларнинг олий ўқув юртига кириш кўрсаткичлари ҳам жуда яхши. Мустақиллик фарзандлари ниҳоятда зийрак, интилувчан, ҳатто яхшигина талабчан. Собиқ ўқувчи-



ларимиз нафақат туман, балки вилоят, республика соғлиқни сақлаш тизими, фармацевтика ва халқ таълими соҳаларида юртга сидқидилдан хизмат қилмоқдалар. Бугунги ўқувчиларимиз орасидан ҳам кимё фани доирасида янгиликлар яратишга қодир мутахассислар етишиб чиқишига ишончимиз комил.

Шу ўринда мен жаҳон тажрибасида учрамаган самарали уч муҳим бўгин — «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги асосидаги амалиётнинг йўлга қўйилгани ва унинг ҳаётбахш натижаларини эътироф этишни истардим. Зотан, бу олтин халқнинг ҳамжихатликдаги фаолияти юртимизда ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги масъулиятини оширди. Болаларни тарбиялашда маҳалланинг таъсир кучидан унумли фойдаланиш имконини берди.

Мустақиллигимиз шодийналари арафасида Президентимиз фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонига сазовор бўлдим. Камтарона меҳнатимга берилган бу юксак эътибор менга ёш авлод камолоти йўлида янада фаол ишлашга руҳлантирди.

МУРУВВАТ

Хайрли амал меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди

Кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва фуқаролар йигинлари фаолларининг кўмаги беқиёс. Фонднинг Жиззах вилояти бўлими бошқаруви томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 42 та эҳтиёжманд оилга фарзандларининг тўйларини ўтказишда ёрдам кўрсатилди.

Бек НАЗАР «Mahalla»

Бундай хайри ишлардан маҳаллалардаги сердаромад оилалар, қўни-қўшнилар четда туришмайди. Хусусан, Ўзбекистон тумани Фафур Фулом номидаги маҳаллада кам таъминланган оила фарзандининг никоҳ тўйига олийҳиммат қўшилган ёрдам қўлини чўзди.

— Тўй барчага бирдек қувонч ула-

шадиган тантанали тадбир, — дейди Фонднинг Фориш тумани бўлими маси раиси Шавкат Эшонқулов. — Шу боис тўй эгалари уни кўнглидгидек ўтказишни истаиди. Фонд томонидан кам таъминланган оилаларнинг тўй-маросимлари учун маблағ ажратиб йўлга қўйилган. Яқинда иккита оила фарзандининг никоҳ тўйига моддий ёрдам кўрсатилди. Бу кўмак уларнинг маҳалладошлари, яқинларини ҳиммат сари у-

дади. Улар тўй эгаларига баҳоли қудрат кўмаклашди. Албатта, ҳолис ёрдамнинг аҳамияти унинг миқдорига боғлиқ эмас, лекин ҳар бир хайрли амал маҳалла аҳли ўртасида меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлайди.

Фонд уюштирилган бўлими ва унинг шараф, туман бўлими оилаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда изчил иш олиб бораётди. Айниқса, Фуқаролик ҳолати далолатномаларни ёзиш бўлими қошида ташкил этилган «Оила мактаби» фаолияти ўз самарасини бераётир. Ҳар йили бу мактабларнинг машғулотларида 20 мингдан зиёд



оила қуриш остонасидаги ёш иштирокчиларнинг ёш иштирокчилари кучайтирилмоқда. Айни мавзуда Жиззах вилоятидаги 306 та фуқаролар йигинида 600 дан зиёд давра суҳбати ўтказилди. Бу эса келгусида тўйларнинг тантаналарини, маросимларини их-

чамлаштириш бўйича тарғибот тадбирлари кучайтирилмоқда. Айни мавзуда Жиззах вилоятидаги 306 та фуқаролар йигинида 600 дан зиёд давра суҳбати ўтказилди. Бу эса келгусида тўйларнинг тантаналарини, маросимларини их-



Хужжат қабул қилинди

БМТ Хавфсизлик кенгаши «Ислоний давлат»га қарши кураш бўйича резолюция қабул қилди.



Кенгаш хужжати мувофиқ, барча давлатлар ўз фуқароларини кураш тўғрисидаги шартномада иштирок этишининг олдини

олиши лозим. Шунингдек, хорижийликнинг жангари гуруҳларга аскарликка қабул қилиниши ва гуруҳларни кенгайтириши жиний жавобгарликка сабаб бўлиши шарт.

Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда Сурия ва Ироқдаги экстремистик гуруҳлар таркибидан 70 дан зиёд давлатдан келган 12 минг нафарга яқин жангари кураш олиб бормоқда.

Иқтисодий самара бўлмагач...

Чехиянинг «Czech Airlines» компанияси раҳбарияти ходимларини учдан бир қисмга қисқартирилишини маълум қилди.

Бир қатор йўналишлар бўйича парвозларга эҳтиёжнинг қисқариб кетгани ва ҳақдорлардан 36 фоиздан зиёд ходим ўз ишидан айрилади. Улар сафида борт қузатувчилари, учувчилар ва маъмурият вакиллари бор. Шунингдек, компания иқтисодий жиҳатдан номувофиқлиги боис 6 та «Airbus А320» русумли самолётдан фойдаланишни ҳам тўхтатди.



декабридан келгуси йилнинг 31 январига қадар давом этади. Ишда қоладиган фойдаларнинг маоши тахминан 25-30 фоизга қисқартирилади.

Эбола таҳдиди

Тиббиётчилар Эбола безгаги билан оғриганлар сони 1,4 миллион нафарга етишини тахмин қилишмоқда.



шундай ҳулосага келишган. Маърузада айтилишича, бу рақамлар фақат Либерия ва Сьерра-Леонага тааллуқли. Тиббиётчилар буни Эболага чалинганлар сони Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилати чоп этгандан кўра 2,5 баробар кўпроқ экани ҳамда касаллар сони ҳар 20 кунда икки баробарга ошаётгани билан изоҳлашмоқда.

Илгари ЖССТнинг 60 нафар ходими жорий йилнинг ноябрини бегона касалликлар профилактикаси ва назорати бўйича маркази ходимлари

Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:

Кабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодий ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73



Нашр кўрсаткичи: 148

20180 нусхада чоп этилди. Буюртма S-996

Топшириш вақти — 21.00

Топширилди — 21.00

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли Мухаммад Н.Азимова Навбатчи: Т.Низомов Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбугочилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100883

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.